***Har yili bug'doy unar shudgor shitobdan,***

***Huddi shunday unar ilm kitobdan.***

(Josef Jevri)




Ёқубов, Абдулла

Улуғбек хазинаси[Матн]: роман / А.Ёқубов.- Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.-336 б.-ISBN 5-635-00922-0

Ушбу романда алломанинг шахсий хаёти, фожеавий қисмати, умри сўнгида мушарраф бўлган севгиси, соҳибқурон бобоси Амир Темур ҳақидаги хотиралари кенг ёритиб берилган.

***Kitoblar inson tafakkuri javohirlarini yig'ib, avlodlarga meros qoldiradi.***

(Oybek)




Ойбек

Болалик хотираларим [Мант]: қисса / Ойбек .- Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.- 248 б.- ISBN 5-635-01468-2

Атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбек турфа воққаларга бой, машаққатли ва ажойиб хаёт йўлини босиб ўтган. Болалик хотираларим китобида у ана шу йўлнинг 1917-1918 йилларга қадар бўлган қисми билан ўртоқлашган.

***Kitob insondan hech narsa tilamaydi, ammo uni kamolga yetkazadi.***

(Otalar so'zi)

*Tuzuvchi: Bahodirova D.B.*

# Kutubxona tavsiya etadi




Қодирий, А.

Меҳробдан чаён [Матн]: роман / А.Қодирий .- Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.- 328 б.- ISBN 978-9943-27-663-5

Анвар ва Раъно... Болалигидан тиришқоқ, нозиктаблиги билан атрофагилар эътиборига тушган Анвар юқори мартабага ҳам эрта эришади. Жасур қиз таърифини олган Раъно замонасининг зулми ёхуд майли қурбонига айланмай, ўзининг шижоати, муҳаббати ва келажаги йўлида ҳаракати тахсинга сазовордир.Ушбу асар даврнинг жирканч муҳити, амалпарастлик, турмуш икир-чикирлари ва ниҳоят гўзал мухаббатга бой.

**Kitob o'qigan juda yaxshi, chunki u bilim xazinasidir, lekin hayotni bilgan ham yaxshi, chunki kitobning o'zi ham hayot mevasidir.**

**(R.Usmonov)**

Айтматов, Ч.

Қиёмат [Матн]: роман / Ч.Айтматов .- Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.- 432 б.- ISBN 978-9943-27-593-5




Акбара билан Тошчайнар тимсрлида бир жуфт бўри ва унинг зурриётлари қисматининг фожеявий якуни; умматларига бахт ато этиш учун курашган, алалоқибат айнан ўша бахт улашмоқчи бўлганлар томонидан рад этилган ҳазрати Исонинг чормихга тортилиши; Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз жарликка оти билан тушиб кетган ва хатто кафансиз қолган Эрназарнинг қисмати; қўрқув ва тахликанинг зўридан Кенжашнинг олиб қочаётган Акбарани отаман деб аслида ўз жигарпорасини бағрини ўқ билан илма-тешик қилиб юборган Бўстон тақдири китобхонни қалбини ларзага солади.

*Tuzuvchi: Bahodirova D.B.*